



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎзА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ**

**(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**2022 ЙИЛ АПРЕЛЬ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

# **ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**Илмий нашр  
2022 йил апрель ойи сони**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартағи 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилемайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎзА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим оралиқдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

## **Тахрир кенгаши**

А.Кўчимов  
Қ.Ш.Омонов  
А.С.Сагдулаев  
С.С.Ғуломов  
Ф.Г.Назиров  
Р.Д.Курбанов  
М.Ҳ.Рустамбоев  
Н.М.Маҳмудов  
И.С.Саифназаров  
Н.Ҳ.Обломуродов

Б.А.Назаров  
А.Аскаров  
Д.Ю.Юсупова  
А.Х.Саидов  
Т.Ў.Арипова  
Қ.Р.Аллаев  
С.М.Туробжонов  
Т.Қудратхўжа  
Н.А.Ҳусанов  
Г.А.Мардонова

**Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй  
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71**

*Tarix*  
**ЎҚИТУВЧИ МАВҚЕИ: МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ВА ҲОЗИРГИ  
ЗАМОН**

**Сойиб Саидович РАУПОВ**

тарих фанлари номзоди

доцент

Бухоро давлат университети  
Бухоро, Ўзбекистон

**Аннотация**

Мақолада ўқитувчи, устоз-муаллимларнинг жамиятдаги мавқеи масалалари ўрганилиб, миллий қадриятларимизда уларга бўлган ҳурмат ва эътибор жуда юқори эканлиги Шарқ алломаларининг қарашлари асосида тахлил қилиб берилади.

**Таянч сўзлар:** ўқитувчи, муаллим, педагог, устоз, устозларни қадрлаш, миллий қадрият, жадидчилик ҳаракати.

**СТАТУС УЧИТЕЛЯ: НАЦИОНАЛЬНАЯ ЦЕННОСТЬ И  
СОВРЕМЕННОСТЬ**

**Сойиб Саидович РАУПОВ**

кандидат исторических наук

Доцент

Бухарский государственный университет  
Бухара, Узбекистан

**Аннотация**

В данной статье изучен статус учителя в обществе, а также на основе взглядов мыслителей Востока проанализировано глубокое уважение и отношение к ним.

**Ключевые слова:** учитель, преподаватель, педагог, наставник, ценить наставников, национальная ценность, движение джадидов

Ўқитувчи, муаллим — турли йўналишдаги ўрта умумий таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар колледжларида ўқувчилар билан таълим тарбия ишларини амалга оширадиган мутахассис. Олий мактаб ўқитувчилари «домла» деб юритилади, улар «профессор ўқитувчи» тарзида умумлашма ном билан ҳам аталади. Шунингдек, ўқитувчиларга нисбатан «муаллим» ёки «педагог» атамаси ҳам қўлланилади.

Ўқитувчилик касби жуда қадим замонлардан буён инсон фаолиятининг алоҳида тури сифатида мавжуд. Чунки инсон фақат таълим тарбия туфайлигина ҳаётини давом эттиради ва ривожлантира олади. Тамаддуннинг Оссурия, Бобил, Миср, Туркистон, Ҳиндистон, Хитой сингари қадимий ўчоқларида топилган тарихий маданий обидалар бу ўлкаларда ўқитувчилик касби жуда қадим замонларда шаклланганлигини кўрсатади. Бу даврларда энг оқил, тажрибали кишилар ўқитувчилик билан шуғулланишган ва улар

бошқаларга қараганда катта имтиёзларга эга бўлишган. Рим империясида ўқитувчи император номидан тайинланадиган давлат амалдори саналган. Ўрта асрларга келиб, Ғарб мамлакатларида ўқитувчилик билан, асосан, черков хизматчилари шуғулланишган. Шаҳарларда дунёвий мактаблар ташкил топгач, ҳунармандчилик цехлари ва савдогарлар гилдиялари томонидан таклиф этилган ёлланма ўқитувчилар пайдо бўлди. XVIII-XIV асрларда бой оиласарда мураббий, гувернёр сингари уй ўқитувчиларидан фойдаланиш кенг ёйилди.

Шарқ мамлакатлари, жумладан, Туркистон ўлкасида ҳам ўқитувчи энг қадимиј ва обрўли касб ҳисобланиб, “устоз” деб эъзозланган. Ўлкага ислом дини кириб келиши билан ҳар бир қишлоқ, шаҳарлардаги маҳаллаларда масжид ва деярли ҳар бир масжид қошида мактаб ташкил этилди. Бу мактабларнинг ўқитувчилари домла деб аталди. Шунингдек, мактаблар алоҳида шахслар уйида ҳам ташкил этилиб, улар мактабдор дейилган. Таълим давлатдан ажратилганлиги, болаларнинг ўқиши, асосан, ота-оналарнинг иши ҳисоблангани учун ҳам Туркистонда ўқитувчилик касбига маҳсус тайёрланилмаган. Мадраса кўрган ёки мактабдан сўнг ўз устида ишлаган саводли киши ўқитувчилик билан шуғулланиши мумкин бўлган.

XIV асрнинг охиридан, яъни ўлкада маърифатчилик ҳаракати пайдо бўлиши билан ўқитувчининг савиясига алоҳида эътибор бериладиган бўлди. Туркистонда анъанавий йўсинда ўқитадиган ўқитувчилар билан бирга Европа мамалакатларидан ўзлаштирилган усусларда дарс берадиган янги муаллимлар ҳам фаолият кўрсата бошлади. Бу ҳол, айниқса, жадидчилик ҳаракати авж олган кезларда анча кенг ёйилди. Ўқитувчилар савиясининг ошганлиги миллат руҳиятида уйғониш бўлишига, тараққиётнинг бир қадар тезлашувига олиб келди. Ўқитувчи олдида турган вазифалар ва унинг мавқеи жамият тараққиётининг турли даврларида турлича бўлган. Шарқона қадриятларимизда ўқитувчи доим улуғланиб келинган.

Устозларни қадрлаш ҳақида сўз кетганда беихтиёр ҳазрати Мир Алишер Навоий бобомизнинг ушбу сўзлари ёдимизга тушади:

*Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўргатмии ранж ила,  
Айламак бўлмас адo онинг ҳаққин минг ганж ила.*

Ҳақиқатдан ҳам “устоз отангдек улуғ” деб аждодларимиз бежизга айтишмаган. Чунки ота фарзандини дунёга келтирган бўлса, устоз унга одамийлиқдан сабоқ берган. Бир машхур зотдан нима учун устозингизни отангиздан ҳам ортиқ кўрасиз, деб сўрашганда: Отам мени жисмимни тарбиялаб ерга тушишимга сабаб бўлган, устозим эса руҳимни тарбиялаб ўқкка етишимга сабаб бўлди, деган эканлар.

Кишида илм ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Албатта бунинг учун энг авволо устоз зарур. Илм ва талаб қилишнинг фазилати нақадар улуғ бўлса илм ўргатиш, яъни, устозлик қилишнинг фазилати унданда буюkdir.

Ҳазрати Али розияллоҳу анху дедилар: “Менга бир дона ҳарф ўргатган кишининг қулиман. Хоҳласа мени сотсин, хоҳласа мени қул қилиб ишлатсин”.

Муаллимга кибр қилиш, уни менсимаслик тубан хулқ ҳамда нифоқ аломатларидан ҳисобланади. Имом Табароний “ал-Кабир”да ривоят қилган ҳадиси шарифда бундай дейилади: “уч тоифа инсон борки, уларни фақат мунофиқгина хорлайди: Исломда мўйсафид бўлган қария, илм соҳиби ва одил раҳбар”.

Имом Нававий айтадилар: “Ўқувчи муаллимига итоаткор ва ройиш бўлиши, унинг сўзига қулоқ солиб, ўз ишларида у билан маслаҳатлашиб туриши ва оқил bemор самимий ва моҳир табиб сўзини қабул қилганидек у ҳам ўз муаллимининг сўзини қабул қилмоғи лозим. Шунингдек, муаллимига эҳтиром кўзи билан боқиши, унинг ўз ишида комил иқтидор ва малака соҳиби эканлиги ва бошқа устозлардан устунлигига ишониши лозим. Ана шунда ундан манфаат олиши осон бўлади”. Манбаларда муаллимларга нисбатан риоя қилиш лозим бўлган одоблар саналганда айрим диққатни тортадиган жойларига дуч келамиз: “Ўқувчи агар муаллимини бир тўда инсонлар ичида учратиб қолса, жамоага салом бергач, муаллимига алоҳида салом бериб, мулозамат қилиши керак”. Бу айтилганлар муаллимга кўрсатиладиган одоб ва хурматлар уммонидан айрим томчилар холос. Ўйлаймизки, муаллимларга қай даражада эҳтиром билан муомалада бўлиш лозимлигини билиш учун шу нарсаларнинг ўзи кифоя қиласди.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, толиби илм устозининг розилигини топишга интилиши ва уни норози қиладиган, хафа қиладиган, кўнглини оғритадиган ишлардан сақланмоғи лозим. Бугунги кунга келиб, айрим шогирдлар томонидан ўз устозлари, муаллимларига нисбатан хурмат, муомала тамоман юз тубан бўлиб, жаҳолатга қараб кетмоқда. Ҳаттоқи айрим ота-оналар ўзларининг фарзандларининг гапига қулоқ солиб, илм нурини тарқатадиган устозларини, билимсизлик ботқофидан қутқариб, илмли доно қилиб қўйган муаллимларини кўнгилларини синдириб кетадилар. Бундай холатлар кўп холларда ўқитувчи обрўсига путур етказади. Ўқитувчиларни ўз касбидан бездиради.

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан таълимга кучли эътибор қаратилиб. мураббий ва устозларнинг жамиятдаги мавқеини кўтаришга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунда асосий мақсад Ўзбекистоннинг янги таълим тизимини яратиш, ватанимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, юрт равнақи йўлида муносиб хисса қўшувчи малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган.

Президентимиз Ш.Мирзиёев бошчилигига бўлиб ўтган қатор ийғилишларда мактаб таълимини ривожлантириш буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши, устозларга юксак хурмат-эҳтиром кўрсатиш – жамиятимизда олий қадрият даражасига қўтарилиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, жойларда барча раҳбарлар ва мутасаддилар «Бутун кучни халқ ичидан олайлик, қучоқ очиб мактабларга борайлик» шиорини дастуриламал қилиб, мактаб таълимини ривожлантиришга йўналтирилган буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига етакчилик қилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Бугун жамиятда ўқитувчилар мавқеини

ошириш, уларни мажбурий меҳнатга жалб қилмаслик, турли имтиёзлар яратиш ва моддий рағбатлантириш бўйича хукуқий асослар яратилмоқда. Хусусан, умумий ўрта таълим муассасаларида ўрнак кўрсатган ўқитувчиларни рағбатлантириш мақсадида директор жамғармаси ташкил этилган бўлиб, у ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги ва сифатини оширишни рағбатлантириш, педагог, психолог ва кутубхона ходимларига ойлик устама белгилаш, педагог ходимларни мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам бериш, ўқитувчиларнинг касб маҳорати ва малакасини оширишни рағбатлантиришга хизмат қилиб келмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори [1] асосида таълим муассасаларининг чет тил ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига 15-30 фоиз ҳажмда ойлик устама белгилаш механизми йўлга қўйилган. Айрим фанлар чуқур ўқитишига ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатлари ва ижод мактабларида дарс бераётган ўқитувчиларга (20 фоиз) қўшимча устама ҳақлар тўланмоқда. Ўқув фани бўйича малакаси, дарс ўтиш маҳорати, меҳнати самарадорлиги ва ижтимоий-сиёсий билимларини оширган педагог кадрларни рағбатлантириш, иш ҳақи микдорини ошириш имкониятларини яратиш мақсадида педагог кадрларни атtestациядан ўtkазish ва уларга малака тоифаларини белгилаш йўлга қўйилган.

Шунингдек, педагог кадрларни атtestациядан ўtkazish тартиби янгиланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 392-сон қарори билан “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини атtestациядан ўtkazish тартиби тўғрисидаги низом” [2] тасдиқланди. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлиги, тизимдаги амалиётчи ўқитувчилар ҳамда ЮНИСЕФ ташкилоти халқаро эксперtlари билан биргаликда илфор хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда тайёрланган ушбу Низомда педагог кадрларга қулайликлар яратиш мақсадида атtestация жараёни соддалаштирилди.

Йиллар мобайнида педагогларнинг эътиrozига сабаб бўлиб келган ҳолатларни бартараф этиш мақсадида ушбу жараёнга бир қатор янгиликлар киритилди. Хусусан, педагог кадрлар атtestациясининг малака (тест) синовлари реал вақт режимида, онлайн тарзда, замонавий ахборот коммуникация технологиялари воситалари билан таъминланган Олий таълим муассасалари ва Таълим инспекцияси биноларида Халқ таълими вазирлиги худудий бошқарув идоралари вакиллари иштироқида ўtkaziladigан бўлди. Бу эса ўз навбатида атtestация жараёнларининг шаффоф ва холис ўtkaziliшиda асосий омил сифатида хизмат қилмоқда.

Шуни фахр билан таъкидлаш лозимки, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган бундай ислохотлар ўқитувчилар меҳнати самарадорлигини ошириб, уларнинг жамиятдаги мавқеини оширмоқда. Лекин шуни хам алохида таъкидлаш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев адолатли

таякидлаганларидек, “Албатта, бу борада моддий қўллаб қувватлаш мухим, лекин бу касбнинг обрўсини фақат ўқитувчининг ўзи фидокорона меҳнати, ўз устида тинимсиз ишлаши, бошқаларга ўрнак бўлиши билан ошира олади” [3].

Дарҳақиқат, ўқитувчилик катта санъатdir. Бу санъатга у ёки бу педагог осонгина, ўз-ўзидан эриша олмайди. Шунинг учун, ўқитувчилик касбига, яъни соғлом авлод учун чинакам мураббий бўлишга ҳаваси, иштиёқи зўр, замон талабларини тез ва чуқур тушунадиган, ўзининг илмий, ижтимоий-сиёсий савияси, педагогик маҳоратини изчиллик билан амалга ошириб борувчи, мустакиллик ғояси ва мафкураси билан пухта куролланган, ҳакикий ватанпарвар ва меҳнатсевар кишиларгина эриша оладилар.

Жамиятда ўз ўрни ва мавқеи бўлишини истаган хар қандай ўқитувчи қуидаги шахсий ва касбий фазилатларга эга бўлиши лозим. Ахлокий баркамоллик, яъни саховатлилик, меҳрибонлик, талабчанлик, маънавий поклик, қаноатлилик, ростгўйлик, садокатлилик, покизалик, зийраклик, андишалилик, вазминлик, сабр-бардошлилик, мулойимлик ва бошқалардир.

Ўқитувчининг касбий фазилатлари: ўз соҳасининг пухта билимдони бўлиш, ҳунар сирларини содда усулда ўргата олиш, ҳаётӣ тажрибалари асосида тарбияловчилик, шогирдлар эҳтиёжлари ва ютуқ-камчиликларини идрок эта олувчанлик, нутқ маданиятига эга бўлиш, шахсий намуна бўла олиш ва шу кабилардир.

Бугунги кун ўқитувчиси маънавий жихатдан соғлом ва кенг фикрлай оладиган бўлиши, ўз миллий қадриятлари, урф-одатлари ва миллатимизнинг буюк сиймолари ижодий меросини теран билишлари керак. Бинобарин, ўзи танлаган мутахассислик ва фан соҳасида изланишлар олиб борган, алломаларнинг хаёти ва ижодини яхши билиши ҳамда мантиқий тафаккурга эга бўлиши лозим. Бу ўқитувчи педагогик маҳоратининг шаклланиб боришида мухим аҳамият касб этади. Айниқса, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз асосида давлатимизнинг буюк келажаги булмиш ёш авлодга чуқур билим бериш ўқитувчилардан юксак қобилият ва ишчанликни талаб қиласи.

Хулоса ўрнида шуни алохида такидлаш жоизки, ўқитувчиларнинг жамиятдаги мавқеини кўтаришга қаратилган давлат сиёсати ёшларда миллий қадриятларимиз асосида устоз-мураббийларга хурмат руҳини тарбиялаш ва ўқитувчиларимизнинг касбий ҳамда шахсий сифатларини такомиллаштириш билан қўшиб олиб борилса кўзланган натижага эришиш мумкин.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрь ПҚ-1875-сонли қарори. // <https://lex.uz/docs/2126032>

2. Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 13 майдаги 392-сон қарори билан тасдиқланган “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-ҳунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини

аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом” //  
<https://lex.uz/docs/4333639>

3. Мирзиёев Ш. Ўзим кўп йиллар ўқитувчи бўлиб ишлаганим учун бу соҳанинг қанчалик қийин ва мashaққатли эканини яхши биламан //  
<https://m.kun.uz/news/2019/08/24>

4. Мирзиёев Ш. 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан муаллим ва устозларга йўлланган табрик. 2021 йил 30 сентябрь //  
<https://uznews.uz/posts/savkat-mirziyoev-qituvchi-va-murabbiilarga-tabrik-illadi>.

5. Ахмедов О. Устозлар хурмати – аждодларимиз мероси//  
<https://mehrob.uz/article/405>

6. Нуриддинов Ж. Муаллим – жамият кўзгуси//  
<http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/3703-muallim-zhamiyat-k-zgusi>.

## МУНДАРИЖА

### *Инновацион гоялар ва ишланмалар*

**Н.А.НАЗАРОВ.** Ўрхун тошбитиклари эл бирлиги йўлидаги тарихий манба сифатида ..... 3

### *Иқтисод*

**Ш.Н.МУРАТОВА.** Методологические аспекты обеспечения экономической безопасности внутреннего рынка в контексте устойчивого развития ..... 11  
**З.Р.СОДИКОВ.** Миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорига интеграциялашувининг асосий жиҳатлари ..... 17  
**З.Т.МАМАДИЯРОВ.** Ўзбекистонда рақамли трансформация жараёнида банк хизматларини масофадан кўрсатиш амалиётининг таҳлили ..... 23  
**Н.А.ЮЛДАШЕВА.** Саноат корхоналарини бошқаришда инновацион ривожланиш стратегиясини қўллашнинг концептуал асослари ..... 37  
**А.А.АБДУВОХИДОВ, Ҳ.Ш.ЭШҚУЛОВА.** Ўзбекистонда камбағалликка қарши курашишнинг устувор йўналишлари ..... 44  
**А.Т.МАМАЖНОВ, З.М.САЛАХИДДИНОВА.** Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисобининг назарий асослари ..... 59  
**А.О.БОЗОРОВ.** Ўзбекистонда хизматлар соҳасини ривожлантириш ва солиқлар орқали рағбатлантириш истиқболлари ..... 67  
**Г.С.МАМАДИЕВА.** Ислом банклари фаолиятининг фундаментал асослари ва уларнинг амал қилиш тамойиллари ..... 77  
**А.Х.КОМИЛОВ.** Қурилиш корхоналарида таъминот жараёни логистика ҳаражатлари ҳисобининг ташкилий-услубий жиҳатлари ..... 85

### *Юридик*

**М.Х.БАРАТОВ, П.И.ОВУЛОВ.** Янги Ўзбекистон шароитида давлатнинг фуқаролик ҳуқуқи субъектлари тизимида тутган ўрни: воқелик ва истиқболлар ..... 96  
**Қ.У.УМИДУЛЛАЕВ.** Давлат бошқаруви органларининг бош мақсади – фуқароларга сифатли давлат хизматлари кўрсатиш ..... 106  
**С.А.ГАФУРОВА.** Консуллик ҳимоясида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва унинг ўзига хос хусусиятлари ..... 112  
**Ш.Т.ДЖУМАНОВ.** Чорва моллари ўғирлаш жиноятларини тергов қилишда тинтуб тергов ҳаракатини ўтказиш хусусиятлари ..... 119  
**Д.М.ГОФУРОВА.** Аёллар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишнинг тарихий таҳлили ..... 125  
**Б.Ж.АБДУЛЛАЕВ.** Иқтисодий судларда ҳуқукий таъсир чоралар қўллаш билан боғлиқ ишларни кўришнинг ўзига хос хусусиятлари ..... 133  
**Ж.Я.ИСЛАМОВ, А.С.ЮЛДАШЕВ.** Инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг янги босқичи ..... 140  
**З.И.ШЕРБОЕВА.** “Темур тузуклари”да инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий муҳофаза ..... 150

<b>О.ПОЁНОВ.</b> Адвокатлар даромадларига солиқ солиш тартиби ва уни янада оптималлаштириш .....	155
<b>Ж.Ў.ХОЛБАЕВ, Д.А.ЛАПАСОВ.</b> Ўзбекистон Республикасининг “Мехнат” кодексида иш ва дам олиш вақти .....	163
<b>О.А.ХАКИМОВ.</b> Мудофаа вазирлиги тизимида ҳарбий хизматчиларга пенсия тайинлаш масалалари .....	169
<b>М.М.ПҮЛАТОВ.</b> Ҳарбий хизматчилар моддий жавобгарлиги юридик жавобгарликнинг тури сифатида .....	175
<b>Б.Т.ИСХАКОВ.</b> Опыт Соединенных Штатов Америки в области правового регулирования административной ответственности несовершеннолетних .....	182
<b>Б.Т.ИСХАКОВ.</b> Особенности административной ответственности несовершеннолетних в некоторых странах с континентальной моделью правовой системы.....	188

### **Филология**

<b>Н.Ҳ.АВАЗОВ.</b> Беҳбудий ижодида сўзнинг құдрати .....	194
<b>О.У.ШУКУРОВ.</b> Глобаллашув жараёнида тилларнинг хавфсизлиги ва ривожланиш тенденциялари.....	199
<b>Д.Б.БАЗАРОВА.</b> Ўзбек тилидаги вариантдош бирликларни ўрганишнинг назарий асосларига доир.....	206
<b>О.Р.АВАЗНАЗАРОВ, А.Ҳ.ҚАРШИЕВА.</b> Тилшуносликда араб тилининг Қашқадарё диалекти тадқики муаммоси.....	212
<b>Т.САБИТОВА.</b> Фольклорда янга образининг тарихий асослари .....	220
<b>Н.Н.ҒАФФОРОВ.</b> Спорт терминларининг структур ва дискурсив таҳлили.....	225
<b>И.А.САЙИТҚУЛОВ.</b> “Темурнома” жангномасида пир образи.....	231
<b>С.Б.ДЖУМАНОВА.</b> Ахборий саводхонлик, факт-чекинг тушунчаларининг шарқона тарихий-маънавий негизлари .....	241
<b>С.Б.ДЖУМАНОВА.</b> Ўзбек аудиториясининг медиаистеъмоли ва медиасаводхонлик кўрсаткичлари .....	252
<b>З.А.АЛИБЕКОВА.</b> Алишер Навоий ғазалларида мавхум отларнинг қўлланилиши (“Қаро қўзим” мисолида) .....	265
<b>Б.Х.МАРДИЕВ.</b> Туркий тилларда полипредикатив тузилмаларни ўрганиш тарихига доир мулоҳазалар .....	271
<b>Э.Ғ.ХОННАЗАРОВ.</b> Тил корпусларида замон грамматик шаклларининг аннотациясига доир.....	277
<b>Ҳ.Б.МУРОТОВ.</b> Ўзбек радио тилини функционал-прагматик аспектда ўрганишнинг зарурати .....	284
<b>Н.Ю.ТУРСУНОВА.</b> Киносценарийлар матнининг лисоний хусусиятлари.....	290
<b>М.А.КУЧИБОЕВ.</b> Қурилиш ва муҳандисликка оид терминлар таржимасида образлиликтин қайта тиклаш.....	296
<b>Б.БОЙМАТОВ.</b> Киноқисса – кино ва адабиёт синтези маҳсули.....	302

<b>С.МАВЛЯНОВ.</b> Ўзбек тилидаги дипломатик терминларнинг семантик тараққиёти .....	309
<b>М.У.НАМАЗОВА.</b> Шоир Амир Худойбердининг адабий-эстетик олами таҳлили.....	320
<b>М.Д.ЖЎРАЕВА.</b> Чархий ғазаллари поэтикаси.....	325
<b>Ш.И.ҲАЙТАЛИЕВА.</b> Тиббий мавзуни ёритишда журналист маҳорати....	332

### *Фалсафа*

<b>А.Х.ХАЙДАРОВА.</b> Виртуал реаллик технологияларининг ахборотлаштириш жараёнига таъсири.....	339
<b>К.У.САИДОВА.</b> Семья и брак для государства и общества с социально-философской точки зрения.....	345

### *Тарих*

<b>С.С.РАУПОВ.</b> Ўқитувчи мавқеи: миллий қадрият ва ҳозирги замон.....	353
<b>И.Х.ШОЕВ.</b> Колониальная система управления Туркестанским генерал-губернаторством в конце XIX – начале XX вв.....	359

### *Техника*

<b>Ф.М.НАЗАРОВ, Р.Қ.ДУСАНОВ, Қ.САЙДУЛЛАЕВ.</b> Ўқув жараёнини бошқаришда рақамли технологияларни қўллаш усуллари ва уларнинг самарадорлиги.....	365
<b>М.Қ.НУРМАМАТОВ.</b> Меҳнат бозори самарадорлигини оширишнинг замонавий усуллари .....	373

**Масъул мухаррир:  
Г.А.Марданова**

**Таржимон:  
З.Т.Бобоева**

**Техник мутахассис:  
А.А.Назаркулов**

**Илмий мақолаларда келтирилган факт ва рақамлар учун муаллифлар жавобгардир.**

**Илм-фан ва инновациялар бўлими (71 233 09 21; 99 833 62 71)**

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА Илм-фан бўлими  
(электрон журнал) 2022 йил, апрель сони**

**Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турун кўчаси 42**